



ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРДА КАПИТАЛ
ИНВЕСТИЦИЯЛАРГА ДОИР БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ АХБОРОТ
ҚАМРОВИНИ КЕНГАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

DSc **Боронов Бобур Фарходович**

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

ORCID: 0000-0002-2597-4755

bobur-boronov@mail.ru

PhD **Мухаммадиев Заррух Умарович**

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

ORCID: 0009-0003-3870-2497

mukhammadiev90@mail.ru

Аннотация. Мақолада корхоналарда амалга ошириладиган капитал инвестицияларнинг амалдаги ҳолати, уларнинг ҳисобини юритишнинг амалий муаммолари, рақамли иқтисодиётни шакллантириш шароитида капитал инвестициялар ҳисобини халқаро тажрибалардан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш масалалари очиб берилган.

Ключевые слова: капитал инвестициялар, капитал инвестициялар ҳисоби, асосий воситалар, капитал қурилиш, модернизация, реконструкция, рақамли технология.

ПУТИ РАСШИРЕНИЯ ИНФОРМАЦИОННОГО ОБЪЕМА УЧЕТА КАПИТАЛЬНЫХ ВЛОЖЕНИЙ В ХОЗЯЙСТВУЮЩИЕ СУБЪЕКТЫ

DSc **Боронов Бобур Фарходович**

Самаркандский институт экономики и сервиса

PhD **Мухаммадиев Заррух Умарович**

Самаркандский институт экономики и сервиса

Аннотация. В статье описано современное состояние капитальных вложений на предприятиях, практические проблемы их учета, вопросы совершенствования учета капитальных вложений на основе международного опыта в условиях формирования цифровой экономики.

Ключевые слова: капитальные вложения, учет капитальных вложений, основные средства, капитальное строительство, модернизация, реконструкция, цифровые технологии.

WAYS OF EXPANDING THE INFORMATION SCOPE OF THE ACCOUNTING OF CAPITAL INVESTMENTS IN BUSINESS SUBJECTS

DSc Boronov Bobur Farxodovich

Samarkand Institute of Economics and Service

PhD Mukhammadiev Zarrukh Umarovich

Samarkand Institute of Economics and Service

Abstract. The article describes the current state of capital investments in enterprises, practical problems of their accounting, issues of improving capital investment accounting based on international experiences in the context of the formation of a digital economy.

Keywords: capital investment, capital investment accounting, fixed assets, capital construction, modernization, reconstruction, digital technology.

Кириш.

Ўзбекистон Республикаси Статистика Кўмитаси томонидан тақдим этилган маълумотларга кўрса, мамлакатимизда 2023 йилда асосий капиталга йўналтирилган жами инвестициялар ҳажми 2022 йилга нисбатан 122,1 фоизга ошиб, 352 064,1 млрд. сўмни ташкил этди. Бунда, хорижий инвестициялар ва кредитларнинг улуши қарийб ярмини, яъни 47,4 %ни, корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан киритилган инвестицияларнинг улуши эса, 24,1 %ни ташкил этган¹. Ушбу рақамлардан шундай хуносага келиш мумкинки, мамлакатимизда капитал инвестициялар ҳажми тобора ошиб бормоқда. Бундай инвестициялар хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида муҳим аҳамият касб этиб, уларнинг ҳисобини юритиш ҳам ўзига хос хусусиятларга эгадир. Бу эса, рақамли иқтисодиёт шароитида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи олдида турган муҳим вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади. Зотан, бугунги кунда, турли тармоқларда фаолият юритиб келаётган ҳар бир хўжалик юритувчи субъект томонидан амалга оширилаётган капитал инвестицияларга оид ахборотларни ички ва ташки ахборот фойдаланувчиларга ошкора этиш, улар тўғрисида реал кўрсаткичларни ўз вақтида етказиб бериш каби долзарб вазифалар ушбу йўналишда чуқур тадқиқот ишлари олиб боришни тақозо этди.

Адабиётлар шарҳи.

Олиб борилган тадқиқотлар давомида хорижий ва маҳаллий олимларнинг илмий асарлари ҳамда турли ахборот манбаларида келтирилган капитал инвестицияларга доир таъриф ва тавсифлар тадқиқ этилди. Хоссатан, Титовнинг (1997) тадқиқот ишида қўйидагича таъриф келтирилган “капитал қўйилмалар – бу капитал қурилиш тизимида ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ривожланиш суръати ва характеристига бевосита таъсир кўрсатадиган асосий фондларга айлантириладиган таннарх ва моддий омилларнинг мураккаб иқтисодий категорияси”. Қурилиш ташкилотлари субъект сифатида олинган ушбу таъриф капитал инвестицияларнинг ижтимоий аҳамиятини ўзида мужассам этиб, таърифда капитал инвестициялар бўйича амалга оширилган барча харажатлар асосий воситаларнинг пайдо бўлишига олиб келиши назарда тутилган.

Забродин (2000) “Капитал қўйилма тушунчаси харажатлар қўлами хақида гапиради, уларнинг асосий манбаи корхонанинг ўз маблағлари – соф фойда (жамғарма фонди) ва амортизация. Хўжалик юритувчи субъектлар кўпинча ўз маблағлари ва қарз маблағларининг етишмаслигини бошдан кечираётган замонавий шароитда капитал қўйилмалар харажатларини ҳисобга олиш ва назорат қилишга эътиборни кучайтириши керак”. Корхоналарда капитал қўйилмалар ҳисоби ва аудитини ташкил этиш

¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Кўмитаси расмий веб-сайти. <https://www.stat.uz/uz/rasmiy-statistika/industry-2>.

масалаларига бағишенгандын илмий тадқиқот ишида келтирилген ушбу тавсиф капитал қўйилмаларнинг корхонанинг фойдаси эвазига қилинадиган харажатлари натижасида жорий этилиши ифодаланади.

Мамлакатимиз олимларидан Ахмедованинг (2022) фикрича, “Замонавий рақамли иқтисодиёт ва инновацион иқтисодиёт шароитида республика иқтисодий ривожланишини таъминлайдиган инвестицияларни кўпайтиришнинг янги ёндашувлари ва усулларини излаш энг долзарб муаммолардан биридир”. Ушбу тавсиф бугунги иқтисодиёт шароитида капитал инвестицияларнинг аҳамиятини очиб бериб, ушбу йўналишда илмий тадқиқот ишларини олиб боришнинг муҳим эканлигини исботлайди.

Очилов (2021) эса, “Капитал инвестициялар – бу келгусида иқтисодий-ижтимоий наф келтирадиган, хусусий активларни миқдор ва сифат жиҳатдан оширишга қаратилган мақсадли қўйилмалар”, деб ҳисоблади.

“Капитал қўйилмалар – бир йил ёки ундан кўпроқ давом этадиган инвестициялар ҳисобланиб, компаниянинг даромадлигини ва унинг акциядорлари учун қиймат барпо этишда асосий рол ўйнайди” (Capital Investments., n.d.).

“Капитал қўйилмалар – бу бизнес мақсадларига эришиш ёки бизнес учун узоқ муддатли активларни сотиб олиш учун ишлатиладиган пул миқдори” (debitoor.com., n.d.).

“Корхона ўзини модернизация қилишга инвестиция қилаётган маблағлар капитализация харажатлари ёки капитал қўйилмалар деб аталади” (Buxgalter.uz., 2021).

“Капитал қўйилмалар деганда, компанияга ўз бизнес мақсадларини амалга ошириш учун қўйилган маблағлар тушунилади. Ушбу инвестициялар одатда молиявий активлар кўринишида амалга оширилади, аммо улар компания ёки лойиҳани ривожлантириш учун вақт ва куч сарфлашни ҳам ўз ичига олиши мумкин” (Tamplin, 2023).

Тадқиқот методологияси.

Капитал инвестицияларнинг иқтисодий категория сифатидаги илмий қарашлар тадқиқи ҳамда бухгалтерия ҳисоби обьекти тавсифи, хусусан яшил иқтисодиётни шакллантириш шароитида корхоналарда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритиш бўйича олиб борилган тадқиқот ишида илмий абстракциялаш, иқтисодий таҳлил, монографик кузатув, қиёслаш, индукция ва дедукция каби тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Юқорида зикр қилиб ўтилган бухгалтерия ҳисоби олдидағи вазифаларнинг амалга оширилиши, аввало, капитал инвестициялар тўғрисидаги ахборотларни ўзида мужассам этувчи счёtlар режасига боғлиқдир. Шу боис, бугунги кунда, корхоналарда амалга оширилаётган капитал инвестициялар бўйича бухгалтерия ёзувларини уларнинг амалий мисоллари ёрдамида кўриб чиқамиз.

Мазкур тадқиқот давомида ўрганилган “Сатурн Метал Қайта Ишлаш” масъулияти чекланган жамияти хом-ашё маҳсулотларини қайта ишлаш фаолияти билан шуғулланиб, ушбу жараёнда асосан йирик замонавий асбоб-ускуналардан фойдаланади. Шу боис, ушбу жараёнларни амалга оширувчи корхоналар бошқа турдаги корхоналардан фарқли равишда корхонага капитал инвестицияларни киритишга муҳтоjроқ ҳисобланишади.

Корхонада капитал инвестициялар ҳисобига оид бухгалтерия ёзувларини қуйидаги амалий мисоллар орқали кўриб чиқамиз:

1-жадвал

**“Сатурн Метал Қайта Ишлаш” МЧЖда капитал инвестициялар
хисоби бўйича бухгалтерия ёзувлари²**

№	Операция мазмуни	D-т	K-т	Сумма	Асос бўлувчи хужжатларлар
		0810-счёт бўйича бухгалтерия операциялари			
1	Маъмурий бинонинг қурилиш жараёнига қурилиш материаллари сарфланди ва ҳисобга олинди	0810	1050	78 000 000	Қабул қилиш-топшириш далолатномаси, накладнойлар
2	Мавжуд ишлаб чиқариш цехи биносини кенгайтириш ва реконструкция қилишга қурилиш материаллари сарфланди ва ҳисобга олинди	0810	1050	64 000 000	Қабул қилиш-топшириш далолатномаси, накладнойлар
3	Маъмурий бинонинг қурилиш жараёнига банд бўлган ходимларга иш ҳақи ҳисобланди	0810	6710	20 000 000	Буйруқ, иш ҳақи ведомости
4	Маъмурий бинонинг қурилиш жараёнига банд бўлган ходимларга ҳисобланган иш ҳақи бўйича ижтимоий солиқ ҳисобланди	0810	6510	2 400 000	Буйруқ, иш ҳақи ведомости
5	Мавжуд ишлаб чиқариш цехи биносини кенгайтириш ва реконструкция қилишга банд бўлган ходимларга иш ҳақи ҳисобланди	0810	6710	16 000 000	Буйруқ, иш ҳақи ведомости
6	Мавжуд ишлаб чиқариш цехи биносини кенгайтириш ва реконструкция қилишга банд бўлган ходимларга ҳисобланган иш ҳақи бўйича ижтимоий солиқ ҳисобланди	0810	6510	1 920 000	Буйруқ, иш ҳақи ведомости
7	“Изготовлении и установка двери из алюмин. профиля. Размером 770x2270мм” ўрнатиладиган асбоб-ускуналар маъмурий бинонинг қурилиш жараёнига топширилди ва ҳисобга олинди	0810	0710	15 790 000	Қабул қилиш-топшириш далолатномаси, накладнойлар
8	“Jakhongir Ingineering” МЧЖдан “Услуга по проектно - изыскательской работе” хизмати кўрсатилганлиги бўйича далолатнома қабул қилинди ва ҳисобга олинди	0810	6010	10 000 000	Шартнома, хизмат кўрсатиш бўйича далолатнома
9	Маъмурий бино қурилиш жараёни тугаб, фойдаланишга топширилди	0120	0810	724 914 547	Қабул қилиш-топшириш далолатномаси, накладнойлар
10	Мавжуд ишлаб чиқариш цехи биносини кенгайтириш ва реконструкция жараёнлари тугади ҳамда харажатлар бинонинг бошланғич қийматига қўшилди	0120	0810	194 718 694	Қабул қилиш-топшириш далолатномаси, накладнойлар
0820-счёт бўйича бухгалтерия операциялари					
11	“MELYA BEST” МЧЖдан “Штабелер MS 2016” асбоб-ускунаси сотиб олинди ва асосий омборга кирим қилинди	0820	6010	18 803 600	Шартнома, ҳисоб-фактура
12	“Штабелер MS 2016” асбоб-ускунаси асосий омбордан ишлаб чиқариш цехига топширилди	0130	0820	18 803 600	Қабул қилиш-топшириш далолатномаси, накладнойлар
13	“CEBILON AURA” компаниясидан сувни тозалайдиган “CEBILON” замонавий технология сотиб олинди ва асосий омборга кирим қилинди	0820	6010	16 666 200	Шартнома, ҳисоб-фактура
14	сувни тозалайдиган “CEBILON” замонавий технология асосий омбордан ишлаб чиқариш цехига топширилди	0130	0820	18 803 600	Қабул қилиш-топшириш

² Корхона маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

					далолатномаси, накладнойлар
15	"Kayumov Suxrob Zafarovich" жисмоний шахсдан "Hyundai Porter II" русумли юк ташувчи автомашина харид қилинди	0820	6010	300 000 000	Шартнома, ҳисоб-фактура
16	"Hyundai Porter II" русумли юк ташувчи автомашина фойдаланишга топширилди	0160.2	0820	300 000 000	Қабул қилиш- топшириш далолатномаси, накладнойлар
17	"BEKOLE-BIZNES" МЧЖдан электро-энергия билан ҳаракатланадиган транспорт воситаси харид қилинди	0820	6010	293 000 000	Шартнома, ҳисоб-фактура
18	Электро-энергия билан ҳаракатланадиган транспорт воситаси фойдаланишга топширилди	0160.1	0820	293 000 000	Қабул қилиш- топшириш далолатномаси, накладнойлар
19	"Universal Logistics Services" ҚҚ МЧЖдан "Гидравлический пресс станок WC67К-63Т/2500" маркали ишлаб чиқариш становги харид қилинди ва асосий омборга топширилди	0820	6010	119 766 130	Шартнома, ҳисоб-фактура
20	"Гидравлический пресс станок WC67К-63Т/2500" маркали ишлаб чиқариш становги асосий омбордан ишлаб чиқариш цехига фойдаланишга топширилди	0130	0820	119 766 130	Қабул қилиш- топшириш далолатномаси, накладнойлар
21	"INTEGRITY TRADE GROUP" МЧЖдан "Компьютер в комплекте" компьютер жиҳозлари харид қилинди ва асосий омборга топширилди	0820	6010	119 766 130	Шартнома, ҳисоб-фактура
22	"Компьютер в комплекте" компьютер жиҳозлари асосий омбордан маъмурият бўлимига фойдаланишга топширилди	0150	0820	119 766 130	Қабул қилиш- топшириш далолатномаси, накладнойлар
23	"ALL STORES" МЧЖдан "Плоскопанельный телевизор ARTEL. Модель - UA43H3502" офис мебеллари харид қилинди ва асосий омборга топширилди	0820	6010	3 000 000	Шартнома, ҳисоб-фактура
24	"Плоскопанельный телевизор ARTEL. Модель - UA43H3502" офис мебеллари асосий омбордан маъмурият бўлимига фойдаланишга топширилди	0140	0820	3 000 000	Қабул қилиш- топшириш далолатномаси, накладнойлар
25	"HONG KONG MERGE STAINLESS STEEL" CO., LTD хорижий корхонадан "Станок для лазерной резки (част станка)" ишлаб чиқариш становининг эҳтиёт қисми сотиб олинди ва асосий омборга кирим қилинди	0820	6010.2	362 238 465	Шартнома, ҳисоб-фактура
26	"Станок для лазерной резки (част станка)" ишлаб чиқариш становининг эҳтиёт қисми реконструкция қилиш мақсадида монтаж жараёнига ўтказилди ва ҳисобга олинди	0810	0820	362 688 820	Қабул қилиш- топшириш далолатномаси, накладнойлар
27	"Станок для лазерной резки (част станка)" ишлаб чиқариш становининг эҳтиёт қисми реконструкция қилиш жараёнлари бўйича харажатлар мавжуд объектларнинг бошланғич таннархига олиб борилди	0130	0810	362 688 820	Қабул қилиш- топшириш далолатномаси, накладнойлар

*0160.1-“Енгил авторанспорт воситалари”, 0160.2-“Юк ташувчи авторанспорт воситалари”, 6010.2-“Хорижий таъминотчилар” счёtlар режаси ва уларнинг номланиши корхонанинг ҳисоб сиёсатида акс эттирилган.

Манба: корхона маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Юқорида келтирилган жадвал маълумотлари ички ва ташқи ахборот фойдаланувчиларга корхоналарда амалга оширилган капитал инвестицияларга доир ахборотларни тақдим этсада, бироқ капитал инвестицияларга доир бошқа мезонлар бўйича батафсил ва ёрқинроқ ахборот бермаябди. Бу эса, бухгалтерия ҳисоби олдида маълум вазифаларни юклаб, капитал инвестициялар ҳисобини такомиллаштиришга доир илмий хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқишини зарурият қилиб қўймоқда.

Хулоса ва таклифлар.

Мазкур илмий тадқиқот иши асосида хулоса қилиш мумкинки, корхоналарда капитал инвестициялар ҳисоби ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, олиб борилган тадқиқот натижалари асосида қуйидаги фикр-мулоҳазаларга келинди:

Биринчидан, корхонанинг бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида келтирилган капитал инвестицияларга оид бухгалтерия ёзувлари натижасида аниқ бўлдики, корхоналарда 0800-счёт таркибидаги счёtlар режаси капитал инвестицияларни ҳисобга олиш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш мақсадида фойдаланилади.

Иккинчидан, корхоналарнинг амалий маълумотлари асосида олиб борилган тадқиқот натижаларидан шуни қайд этиб ўтиш жоизки, бугунги кунда, корхоналар томонидан капитал инвестицияларни ҳисобга олишга мўлжалланган бухгалтерия счёtlари таркибида 0810-“Тугалланмаган қурилиш” ва 0820-“Асосий воситаларни харид қурилиш” счёtlар режаси капитал инвестицияларни ҳисобга олишга мўлжалланган бошқа счёtlарга нисбатан бухгалтерия ҳисобида кенгроқ ишлатилганлигига гувоҳ бўлдик. Шундай бўлсада, ушбу бухгалтерия ёзувларидан кўриш мумкинки, корхоналарда асосий воситаларга киритилган капитал инвестицияларнинг барчаси асосий воситаларнинг туридан қатъий назар битта счёtdа акс эттирилган ҳамда уларнинг ҳисоби умумий тарзда юритилган. Хоссатан, корхонанинг 0810-счётида барча турдаги обьектлар қурилиш жараённига сарфланган турли хил кўринишдаги ва йўналишдаги харажатлар жамланганлигига гувоҳ бўлдик. Зотан, корхонада “Тугалланмаган қурилиш” счётида ҳисоби юритилаётган бухгалтерия операцияларининг мақсади турлича бўлиб, улар мазмун ва шакл жиҳатидан ҳам бирбири билан фарқ қиласди. Мисол, юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, корхонада бир вақтнинг ўзида икки хил обьект, яъни маъмурий ва ишлаб чиқариш бинолари бўйича қурилиш жараёнлари амалга оширилган бўлиб, уларнинг барчаси 0810-“Тугалланмаган қурилиш” счётида ҳисобга олинган. Шунингдек, ушбу обьектларнинг қурилишига банд бўлган ходимларга ҳисобланган меҳнат ҳақи ва у бўйича ҳисобланган ижтимоий солиқлар ҳам ҳар бир обьект тури бўйича қандай тартибда тақсимланганлигини юқоридаги бухгалтерия ёзувларидан ажратишнинг умуман имконияти йўқ.

Учинчидан, юқорида тадқиқ этилган 0810-“Тугалланмаган қурилиш” счёти каби корхонанинг 0820-“Асосий воситаларни харид қурилиш” счётида ҳам турли хил кўринишдаги асбоб-ускуналар, ишлаб чиқариш станоклари, компьютер ва бошқа ҳисоблаш техникалари,офис жиҳозлари, енгил ва юк ташувчи автотранспорт воситалари, маъмурият ва бошқа хўжаликларда фойдаланиладиган турли хил кўринишдаги асосий воситаларга киритилган капитал инвестициялар акс эттирилган бўлиб, амалдаги бухгалтерия ёзувлари орқали уларнинг ҳар бири тўғрисида батафсил ахборотларни олиш мушқул бўлиб қолган. Қолаверса, эски асбоб ускуналар бўйича амалга оширилган модернизация жараёнлари ҳам айнан ушбу счёtdа ҳисобга олинган бўлиб, ушбу бухгалтерия операцияларидан корхонада рўй бераётган модернизация жараёнларини ҳам бошқа кўринишдаги капитал инвестициялардан фарқлаб бўлмайди. Корхоналар бухгалтерия ҳисобида юритилаётган бундай тизим бизнинг фикримизча,

капитал инвестициялар ҳисоби бўйича тадқиқот ишлари олиб боришни зарурият қилиб қўймоқда.

Ушбу хулоса ва тавсияларимиз корхоналарда капитал инвестициялар ҳисобини такомиллаштиришга амалий жиҳатдан кўмаклашиб, капитал инвестициялар ҳисобини назарий томондан бойитади, деб ҳисоблаймиз.

Адабиётлар/Литература/Reference:

Buxgalter.uz. (2021). Асосий воситалар маркибида операцион ҳаражатларни оширмасдан, нимани капитализациялаш мумкин | BUXGALTER.UZ. [online] Available at: https://buxgalter.uz/ru/publish/doc/text171564_asosiy_vositalar_tarkibida_operacion_harajatlarni_oshirmsandan_nimani_kapitalizaciyalash_mumkin.

Capital Investments. (n.d.). www.cfainstitute.org. [online] Available at: <https://www.cfainstitute.org/en/membership/professional-development/refresher-readings/capital-investments>.

debitoor.com. (n.d.). Capital investment - What is a capital investment? [online] Available at: <https://debitoor.com/dictionary/capital-investment>.

Tamplin, T. (2023). Capital Investment: Definition, Types, Decisions and Budgeting. [online] Nasdaq.com. Available at: <https://www.nasdaq.com/articles/capital-investment-definition-types-decisions-and-budgeting>.

Ахмедова Ю.С. (2022) Инвестицион муҳит – иқтисодиёт ривожининг муҳим омили сифатида // Молия бозорини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, замонавий тенденциялари ва истиқболлари. Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. –Т.: ТДИУ. 956 б. 492-бет.

Забродин И.П. (2000) Организация учета и аудита капитальных вложений хозяйствующих субъектов. Автореферат докторской на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – Краснадар: 19-с.

Очилов О.И. (2021) Хўжалик юритувчи субъектларда инвестициялар ҳисоби ва таҳлилини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) докторская. –Т.: 228 б. 33-бет.

Титов В.И. (1997) Фактор времени в оценке экономической эффективности капитальных вложений. Автореферат докторской на соискание ученой степени доктора экономических наук. – Орёл: 19-с.